

Бадиий ижодда истеъдод кадрланади. Истеъдод эгаси ёзган шеърлар, достонлар, хикоя ва романлар, албатта, бошкалар ёзган асарлардан ўз услуби билан алохида ажралиб туради. Бадиий адабиётдаги пўртанаалар, тошкинлар, юксак чўккиларга чикиш, янги назарий карашлар учун манбалар тақдим килиш истеъдодли шахсларга бодлик бўлади. Худди шунингдек адабиётшуносликда хам истеъдодлар ўз сўзи ва илм йўлига, ўз услуби ва катъий назарий карашларига, ўз позицияси ва мактабига, маслақдошларига, ўз устоз ва шогирдларига, умуман, ўзининг ижод оламига, бетекорор ижодий биографиясига, умрбокий китобларига эга бўлади.

Профессор Бегали Косимов адабий-ижодий, илмий-педагогик фолиятига назар ташланганда, юкорида саналган сифатларнинг кўпчилигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бундай муazzзам сифат ва фазилатларга эга бўлиш учун, табиийки, сўз санъатига, бадиий адабиётга меҳр-мухабbat, адабий манбалар талкини учун чукур назарий билим, ўз ишига фидойиларча ёндашув лозим бўлади. Профессор Бегали Косимов шахсиятида айни жихат хам хавас килгулик даражада юксак эди.

Унинг у кадар узун бўлмаган умр йўли, ижодий фаолият даврини кузатадиган бўлсак, хар бир инсон агар чин дилдан истаса, киска вакт ичиди хам улкан ишларни амалга ошириши мумкинлигига гувоҳ бўламиз. Б.Косимовдан бизга колган салмокли илмий-адабий мерос, хеч иккиланмай, шундай дадил хулоса чиқаришимизга имкон беради.

У мумтоз адабиёт деб аталмиш азим денгиз мавжларини нозик хис кила олган, бу денгиз тубидаги жавохирлар конига кадар шўнгиш ва топилдик лаззатини туйиш шарафига ноил бўлган катта олим эди. Зотан Б.Косимовнинг Юсуф хос Хожиб, Ахмад Югнакий, Ахмад Яссавий, Атойи, Саккокий, Лутфий, Фузулий, Мухаммад Солих, Бобур, Машраб, Турди Фарогий, Оғаҳий каби шарқ мумтоз адабиётининг фахри бўлган ўнлаб ижодкорлар хакидаги тадқикотларининг хар бирида айни хулосамиз учун етарли асос бор.

Хазрат Навоий ижодини эса катор илмий-назарий масалалар юзасидан текширган, шу аснода навоийшуносликка салмокли хисса кўшган эди. Домланинг архивида сакланаётган ишлари орасида Навоий ижодига доир ишларнинг бизга маълумлари ўндан ошик. “Алишер Навоий”, “Навоий “Хамса”си”, “Хамса”да бадиий тасвир”, “Навоийда муаммо”, “Навоий асарларида миллат ва миллийлик масалалари”, “Халк рухияти меъмори”, “Навоий ижоди – ўзбек мумтоз адабиётининг чўккиси”, “Алишер Навоий ва ўзбек жадид адабиёти” сингари катта-кичик тадқикотлардан маълум бўладики, Б.Косимов илмий ишларининг салмокли кисми Навоий ижодини ўрганиш ва таргиги этишга каратилган. Навоий бўйича у амалга оширган ишлар фактат мумтоз адабиётни ўрганиш нуктаи назаридан эмас, балки адабиёт назарияси, жаҳон адабиёти, миллий маънавият, адабий таъсир, ижод фалсафаси жихатидан хам ахамиятга молик. Унинг “Алишер Навоий ижоди турк дунёси адабиётининг ўзидан кейинги барча даврларига хал килувчи таъсир кўрсатганидек, ўзбек жадид адабиётининг хам етакчи йўналишларини белгилаб берди” (“Алишер Навоий ва ўзбек жадид адабиёти” маколосидан), деган хулосаси шунчаки Навоий дахосини шарафлаш учун айтилган эмас. Бу хулосада йиллар бўйлаб олиб боррилган машаккатли меҳнат, илмий солиштирув, аждодлар шахсиятига садокат ва меҳр, энг муҳими, улкан илмий-назарий асос борки, айни хулоса залворини ўзбек адабиётининг минг йиллик тарихини холис кузатган одам яккол хис килади.

Б.Косимовнинг XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг илк чорагидаги адабий-тариҳий жараён бўйича йирик мутахассис бўлгани, бу даврга доир муҳим илмий муаммолар борасида тадқикотлар ёзгани, юздан ортиқ адабий сиймони ўз илмий концепцияси нуктаи назаридан ўргангани, катор адабий манбаларни нашрга тайёрлагани, канча ижодкор биографиясини тиклагани, борингки, бу йўналишда наинки Ўзбекистон, балки бутун туркий дунёда ягона илмий-тадқикот мактабига асос согани кўпчиликка маълум. “Излай-излай топганим”, “Маърифат даргалари”... (КИТОБЛАРИНИ ТАРТИБ БИЛАН БЕРИШ КЕРАК) асарлари, шубҳасиз, XX аср ўзбек адабиётшунослигининг ютугидир. Унинг адабий-тариҳий жараёнга кўшган хиссаси булар билан хам чекланмайди. Унинг хозирги адабий жараён, адабий алокалар бўйича килган ишлари хам айни йўналишлар силсиласида конуний ўрнига эга.

Дарҳакикат, илмий-адабий жамоатчилик профессор Бегали Косимовни ўзбек мумтоз адабиётининг зукко тадқикотчиси, шарқ поэтикаси ва матншунослик соҳасининг йирик мутахассиси, хусусан, миллий уйгониш даври ўзбек адабиётини ўрганиш бўйича ўзига хос адабиётшунослик мактабининг асосчиси сифатида билади. Аммо Б.Косимовнинг адабий жараён муаммоларига доир нашр этилган ва, баъзи нашр эттиришга улгурмаган ишларини ўрганиш, унинг замонавий адабиётни хам, кенг кўламда ўргангани, косимовча теран усуllibарда таҳлилу талкин этганини кўрсатади.

У Г.Каримов, А.Гуломов, О.Шарафиддинов, Ш.Юсупов, Л.Каюмов, Х.Мухаммадхўжаев, А.Каттабеков сингари адабиётшунос-олимлар, У.Носир, А.Мажидий, Г.Гулом, А.Орипов, Р.Парфи, М.Али, Х.Шамс, Ж.Камол, Ю.Шомансур, Абдулла Шер каби шоир ва ёзувчилархакидаги тадқикотлари, адабий жараён муаммоларига доир “Кайта куришга мададкор бўлайлик”, “Хозирги ўзбек адабиётига бир назар”, “Чўлпон хакида роман” деб номланган тадқикотлари шундай фикрга келишимиз учун тўла асос беради.

Б.Косимов фитратан садокатли, окибатли инсон эди. Унинг устози профессор Г.Каримов хакида бир эмас, икки эмас бешта макола ёзгани устоз-шогирд муносабатларида ибрат килиб кўрсатса арзидиган окибат тимсолидир. Бу маколалар орасида, айникса, “Умр мазмуни” деб номланган тадқикотни алоҳида таъкидлаш жоиз. Хажман 10-12 сахифани ташкил этган ушбу макола оркали ўкувчи устоз Г.Каримов шахсияти, илмий фаолияти, илмий-назарий асарлари тарихига доир аник, мантикли хulosаларга бой, бирбутун маълумотга эга бўлади. Маколада Б.Косимовнинг устозига бўлган чексиз мухаббати, унинг хаёт йўли, табиатига хос бўлган хусусий жихатларни чукур билиши, олим ва педагог сифатида хизматларини баҳолашдаги теранлиги акс этади.

Б.Косимовнинг замонамизнинг улкан шоири А.Орипов шеърияти тўгрисидаги барча маколаларини жамлаб каралса, ушбу тадқикотлар мажмуасининг хам поэтика, хам миллий маънавият тарихи, хам фалсафийлик, хам хронологик жихатдан бирбутун тизимга эга экани маълум бўлади. Бир сўз билан айтганда, бунда бир шоир ижодини унинг хаёт лавхалари, табиати, руҳий асрорлари билан муштарак ўрганиш, айни ижтимоий-бадиий феноменинг миллий ва жаҳон адабиётида тутган мавкеини билгилашдек катта илмий-назарий масала хал килинади. Хусусан, “Абдулланинг шеърлари, -деб ёзади Б.Косимов, замонинг хар кандай синовларига жавоб бера олади. Гап шундаки, у хатто шўро замонида хам инсоният мудом излаётган адабий хакикатни рамзлар, тимсоллар воситасида айта олди. Шоир ушбу хакикат мазмун-маъносини идрок ва талкин этар экан, мутлако оригинал усул ва йўллар билан иш кўради. Кўпинча инсон руҳининг камалакдек рангин холатларидан келиб чикади.” Ёки домланинг XX аср ўзбек

шеъриятининг бетакрор истеъдоди Р.Парфи хакидаги, хали 70-йилардаёк, ёзган маколасини олайлик. Р.Парфининг “Самарканд осмонида”, “Чўли ирок”, “Ёмгир ёгар” каби шеърларини ўткир поэтик дид, фундаментал назарий карашлар негизида ўта нозик тахлил этган олим шундай хулосани илгари суради: “Шоир оз сўз билан кўп фикр англатишга уринади. Бу хол сўзнинг барча маъно ва имкониятларини ишга солишни талаб килади. Натижада биз одатланган грамматик курилишлар бузилади, бизга нотаниш тамсил ва тафсиллар пайдо бўлади. Бу ерда ассоциация, бирор сўз ёки холатнинг бамисли занжирли реакция сингари, туйгу ёки фикрлар силсиласини ечиб юборишига алоҳида ахамият берилади.”

Аммо таъкидлаб айтишни истардимки, Б.Косимовнинг замондош олимлар, шоир ва ёзувчилар хакида ёзганларининг биронтаси хам шунчаки ёзилмаган. Умуман, домла каламни, сўзни муқаддас санаради. Шунчаки кўлига калам олмас, шунчаки ёзмас эди. Шу сабабдан олимнинг хажман кичик маколаларида хам муайян ижодкор ва ижодий олам манзараси тўла акс этади. Хар бир хулоса-фикр далиллар билан асосланади. Энг мухими, бундай маколаларда холис, илмий, мантикли, фойдали танкидий фикр бўлади. “Хозирги ўзбек адабиётига бир назар” деб номланган тадқикотида XX аср бошидан сўнгига кадар бўлган ўзбек адабиёти намуналарини эпик, лирик, драматик турлар нуктаи назаридан текширади. Фитрат, Кодирий Чўлпондан, Абдували Кутбиддин, Эшкобил Шукур, Салим Ашурларгача бўлган улкан тадрижий йўналиши хакида салмокли хулосаларни илгари суради.

Б.Косимовнинг адабий-илмий алокаларга тегишли фаолиятида бир канча кирралар кузатилади:

1. Халкаро илмий анжуманларда маъruzалар билан катнашди. Бунинг географияси, кўлами анча кенг - Козогистон, Козон, Истанбул, Анкара, Крим.
2. Франция, Туркия, Татаристон ва Кримда жадидшуносликка оид илмий маколалари босилди. Анкарада “Миллий уйгониш” китобининг таржимаси нашр килинди.
3. Немис, турк, козок, татар ва бошка чет эл олимлари билан илмий хамкорликда ишлади. Хориждаги олимлар эътирофига сазовор бўлди; 1993 йили Яссавий номидаги халкаро мукофот билан тақдирланди, 1997 йил Туркия Отатурк култур маркази фахрий аъзоси, 1998 йили Туркия Отатурк Араштирма тадқикот маркази мухбир аъзоси бўлди. Б.Косимов ёзган китобларига Х.Меннигулов, Ахмад Севги, С.Нагаев, Ж.Зайнуллин каби олимлар яхши муносбат билдириди.
4. Энг мухим кирраларидан бири Б.Косимов жадид ижодкорларининг анъаналарини ўз фаолиятида давом эттириди. Кардошлик муносабатларини ўрнатди ва хамкорликда илмий анжуманлар ташкил килди; йўл эсадаликлари, хотира ва кундалик кўринишида асарлар ёзди. Уларда баён килинган адабий-илмий манбалар ва маълумотларга объект бўлган мамлакат адабиёти хамда адабий шахсиятлари, олимларини танитиш йўлидаги тажрибалар, хизматлар сифатида караш ўринлидир.

Б.Косимов жадидчилик харакатини кенг кўламда, бутун таъсирланув омиллари, йўлбошчилари, асосий гоялари, географик кўлами, машхур шахсиятлари, крим татарлари ва козон татарлари, озарбайжон ва козоклардаги жадидларгача тадқик килишга илмий куввати етадиган улкан бир мутахассис эди. Ўзбек жадидлари ижодини Жамолиддин Ағонийдан Исмоил Гаспралигача, Шахобиддин Маржонийдан Магжон Жумабойгача, Норимон Норимоновдан Заки Валидий Тўғонгача бўлган оралиқдаги адабий-ижтимоий карашлар билан бемалол киёслай оларди. Дунё олимлари умумжадидчилик юзасидан мuloхаза юритадиган, илмий тадқикотлар олиб борадиган бўлса, асло Б.Косимов

номини, асарларини четлаб ўта билмайди.

Олим китобларида, Аёз Исҳокий, Абдурашид Кози Иброҳимов, бу каби номлар ва ёзган асарлари тафсилоти билан учрайди. “Исмоилбек Гаспрали”га махсус рисола багишлади.

Б.Косимовнинг XX асрнинг 80-йилларида ёзган маколаларида ўзбек-татар адабий алоказарининг кадим тарихидан жадидларгача, янги давргача бўлган кискача тарихи камраб олинган эди. Козон университети кутубхонасидан 1527 йили Бобурнинг ўғли Камронга ёзган мактубини топиб илмий муомалага олиб киргани маълум. Кутубхонада ўн олтинчи асрдан йигирманчи аср аввалигача бўлган даврга оид ноёб адабий манбалар, ўзбек-татар фольклорини ўрганишнинг уйгун жихатларига тегишли манбалар сакланаётганидан хабар беради. Козонда босмохона иш бошлагач, ўзбек-чигатой адабиёти намуналари нашр этилганини хам олим изланишларидан билиб олиш мумкин.

Ўрни келганда Б.Косимов асарларида Ризоуддин Фахриддин, Абдулла Тўкай, Абдурашид Кози Иброҳим, Алиаскар Камол, Зохир Бегиев ва бошка кўплаб татар маърифатчи-жадидлари ижодини ўзбек адабиёти билан киёсланди. Домла татарлар чикарган “Шўро”, “Вакт”, “Улфат” каби газета ва журналларни жиддий ўрганди. Шу асосда “Татар матбуоти ва Туркистонда жадидчилик” номли махсус макола хам ёзди.

Б.Косимовнинг адабий алоказарга доир илмий маколалари, улардаги киёслар XX аср аввалидаги адабий-ижтимоий харакатчиликнинг илдизини очишга, адабий ходисанинг асл мохиятини англашга ёрдам беради. Ўз вактида ижод ахли бири-биридан таъсирланди; бу холат янги кириб келган жанрларда, ўртага кўйилган бадиий асар гоясида акс этди. Б.Косимов жадид адабиёти хусусиятларини тадқик килар экан, албатта, ўзбек адабиётига таъсир килган омилларга тўхталиб ўтди. Хакикат солиширилганда ёркинрок кўринади. Бусиз мумкин эмас. Фитратнинг хаёти ва ижодий меросига Истанбулдаги таҳсилидан ажратиб караб бўлмайди. Махмудхўжа Бехбудийни текшира туриб, домла, албатта, Гаспралини, уларнинг муштарак гояларини, учрашувларини эсга олади. Домланинг “Исмоил Гаспринский ва Махмудхўжа Бехбудий” маколаси шундай жиддий таккосли текширувлар хосиласидир. Б.Косимов 1991 йили 18-23 март кунлари Семфирополда бўлиб ўтган Гаспрали таваллудининг 140 йиллигига багишланган халкаро анжуманда катнашди. Исмоил Гаспринскийга оид ўнлаб янги маълумотларни анжуман тафсилотлари билан уйгунликда “Исмоилбек Гаспрали” (Танишириш йўлида бир тажриба) рисоласида баён килди. Унда американлик Лаззери, турк олимлари Нодир Давлат, Мехмед Сарой, Ахмад Байжон Эржиласин ва бошка кўплаб москвалик, козонлик, кримлик гаспралишунослярнинг хизматлари юзасидан маълумотлар келтирилади. Б.Косимов илмий фаолиятидаги бир томони жуда табиий равишда Кримга бөгланади. Чунки Исмоил Гаспринский ижодини Б.Косимовдан кўра теранрок, чукуррок тадқик этган иккинчи бир олимимиз йўк. 1887-1917 йилларда босилган “Таржимон”ни ўрганиш асносида “Таржимон” ва Туркистон” номли макола ёзди.

Б.Косимов турли миллатга мансуб дунё олимлари, хусусан, туркий халкларнинг олимлари билан ижодий-илмий хамкорлик килди. Бу фикр исботи учун олимнинг халкаро анжуманлардаги “Туркий халклар адабиёти” дарслиги ёки “Турк дунёси энциклопедияси сўзлиги” режасини тузиш бўйича олиб борилган музокарлардан бир мисол келтиришини истар эдим. Б.Косимов Туркиядаги анжуманда бошқарувчига танбех беради. Мазмуни: биз имкони борича сўзларимизни сизлар тушунсин учун тилимизни бураб сўзлаймиз. Сизда эса бундай муомала маданияти сезилмайди. “Умумтурк адабий тилининг асоси

Истанбул туркчасидан олинмоги керак”, деган фикрдамисиз? Бунинг нотўгрилигини Номик Камол Зейбек етказиб айтди-ку”, деб айтади (460). Муштарак дарслик ёзиш мухокамасида озарбайжонлик Аскар Гулиев исмли олимнинг: “Навоий Низомийнинг назирачиси” деган гапи домланинг жонидан ўтиб кетади. Тафсилотларини ёзаётганда Б.Косимов “чакиб олдим”, “назирачи” деган сўзининг захри ичимдан хануз чикмайди” деган таъбирларни кўллади.

Адабий-илмий алокалар олимнинг хориждан ўзбек адабиётшунослигига олиб кирган янгиликлари ва ўзбек олимининг хорижлик мутахассисларни таништирув йўлида килган хизматлари тарзида икки киррали бўлади. Албатта, Б.Косимов ижодий меросида хар икки жихат хам ёркин кўринади. Домла Ўзбекистондаги архив ва ноёб фондларни жуда яхши билар эди. Саргайган газета ва журналларнинг чангини ютиб, корайтирилган тарихини илм зиёси билан ёритди; тарихий шахсларнинг миллат фидойилари эканини далиллар билан исботлади. Шунингдек, илмий сафарларда бўлиб, Козондаги кутубхоналарда ишлади. Берлиннинг Гумбольд университети кошидаги нодир фонд манбаларини ўрганди. Б.Косимов маколалари, Франция, Туркия, Россия, Афғонистон, Козогистон ва бошка хориж мамлакатларида босилди.

Ўзбек бадиий адабиёти кандай кийинчилик билан дунёга йўл топаётган бўлса, ўзбек адабиётшуносларининг ёзганлари хам дунё билан бўйлашиб учун йўлга осонгина чикаётгани йўқ. Аввало, хориж олимлари, соҳа мутахассислари олимнинг каламини таниб, билимини билиб эътироф этиши лозим. Б.Косимов истеъдодли адабиётшунос сифатида, ўзбек адабиёти ва маданиятнинг билимдони сифатида чет эл олимлари томонидан эътироф этилган. Бугунги авлод Б.Косимовдек истеъдодли, захматкаш олимни, фидойи, калб кўзи очик, холис ва одил зиёлини унутмаслиги керак.

Б.Косимовнинг миллатпарвралар тўгрисида ёзган асарларида Норимон Норимоновнинг бир гап тез-тез тилга олинади: “Миллат Исмоилбек каби каҳрамонларини унутса, ўз хаётини барбод этажакдир”. Бу фикр Б.Косимовни хайрли ўтган умрига илова килиниб, айнан такрорланиши ўринлидир: “Миллат Бегали Косимов каби зиёлиларини унутса, ўз хаётини барбод этажакдир”. Зотан, профессор Бегали Косимовнинг авлодларга колдирган улкан илмий-адабий мероси хали узок йиллат маърифат зиёсини сочиб туради.

Баходир Каримов,
Узок Жўракулов